



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1



## ЎТГАН КУНЛАР

# САБОФИ

“Орзуларим бошлади йўлга, ҳали етар манзилим йироқ,  
манзилга то етиб боргунча, кўшиқ менга абадий ҳамроҳ” деган  
жумлалар билан бошланувчи кўшиқ бор. Болалигимдан шу кўшиқ  
ва унинг сўзлари ёд бўлиб кетган. Шу руҳда улғайдик. Киши  
кўзлаган манзилига етгунча унга кўшиқ ҳамроҳ бўлиши қай  
маънода тўғридир-у, аммо... Аммо манзилимизга соғу-саломат,  
бекаму кўст етишимиз учун ишончли йўлбошчи, замонавий ибора  
билан айтганда, лидер керак.

**Таққос**

Мен собик тузум даврида яшаб ўқиб, ўрта мактабни битирган ва харбий  
хизматни ўтаган, ҳам мустақиллигимизнинг бугунги кунига олиёй таълим олиб, давлатнинг  
турли муассасаларида ишлаб, онгли равишда атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни  
кузатиш билан бирга бевосита иштирокчиси бўлиб келаётган шахс сифатида ҳолис  
фикрларимни билдирмоқчиман. Фикрларимниҳаётий тажрибаларим, кўрган-билганларим  
асосида ёзганман.

Отам раҳматлидан бобомиз ўзига яраша мулкдор ва қўлларидан бир нечта ўнлаб ишчилари  
бўлганлигини кўп эшитганман. Улар асосан деҳқончилик билан шуғулланганлар. Тузум ўзга-  
риб, шўроларнинг “ҳамма бир хил яшаши керак” мазмунидаги сиёсати билан бобом ва у ки-  
шига ўхшаган катта-кичик мулкдорларнинг мулклари тортиб олиниб, кўпчиликнинг мулкига  
айлантирилган, яъни “коллективлаштириш” бошланиб, колхозлар ташкил этилган. Ҳақиқий  
эгаси ва жавоб берувчи масъул аниқ бўлмагандан кейин бу мол-мулклар муаллақ туриб қо-  
лаверган. Қанча ишласанг ҳам, ҳақ тўланиши бир хилда қатъий белгилаб қўйилганлиги боис  
“кун ўтарга” ишланган. Кундалик ҳаётимизга ёлғон деб аталган кушанда кириб келди. Риво-  
жланиш ҳам ўзига яраша бўлган. Ёлғончилик, кўшиб ёзиш, алдаш, хуллас, ура-урачилик ав-  
жига чиқиб, ўша даврдан бери ундан қутулишимиз кийин бўлмоқда. Кейин уруш бошланди.  
Ҳамма “Ватан учун олға деб” урушга отланди. Бор будимиздан айрилдик. Аёллар бева, бола-  
лар етим, ўзи яримта бўлган нонимиз ҳам йўқ бўлди.

(Давоми 4-саҳифада)



### Зиёли минбари


Айрим экспертлар, сиёсатчилар “Дунё учинчи жаҳон уруши арафасида туриб-  
ди. Озгина эҳтиётсизлик қилинса, Ер юзидаги ҳаётга нуқта қўйилиши мумкин”  
дея жар солаётир. Ҳозир Ер юзи ҳавосини ана шундай даҳшатли хабарлар туман-  
дек қоплаган. Кўчага чиқсак ҳам ундан симириямиз, уйга кирсак ҳам. Дунё яна  
нотинч: олов билан ўйнашиш давом этмоқда. Лекин атрофингизга бир қаранг-а,  
уруш ва у ҳақидаги хабарларга тўла дунё одамлари ўзгардимиз? Ёмон – яхши-  
га, ҳасис – саҳийга, ёвуз – раҳмдилга айландимиз? Ҳайрат ила кузатаяпман: атро-  
фимизда ҳеч ким ўзгаргани йўқ! Ҳаммининг парвойи фалақдек... Ҳатто гўё-пўё-  
ларсиз – чиндан, парволар фалак! Ахир, ўзгартириш содир бўлиши керак эмасми?  
Бўлганда ҳам, яхши томонга... Нима, охираддан умидвор одамлар шунчалар кам-  
ми? Статистик маълумотларга қараганда, дунё аҳолисининг 90 фоизга яқини худ-  
уджўй экан. Амалда-чи?... Қайтага, дунё жаҳонларидан “ётиб қолгунча отиб қол”  
деган кайфият сезиларли даражада кучайгандек.

Майли, ўзгаларни қўяйлик, сиз ўзгардингизми, сиз?..

Мен ўзимни кузатиб юрибман: заррача ўзгарганим йўқ. Илгари яхши бўлган  
эсам, ҳамон ўшандай яхши; ёмон бўлган эсам, ҳануз ўшандай ёмонман.

(Давоми 5-саҳифада)

## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚДА МАЪНАВИЯТ БОРМИ? БЎЛСА, ҚАНДАЙ?



Ижтимоий тармоқнинг маънавият билан муносабати  
ўзгача – уни баъзан менсимайди, игнор қилади, баъзида унга  
жуда қизиқиб, ўткир саволлар қўяди: “Маънавият нима?”,  
“Бор нарсамми, ўзи?”, “Мезон-ўлчовлари қандай?” Асосийси,  
тармоқда маънавият турли ном ва шаклларда мавжуд;  
фойдаланувчилар унга мурожаат этади, ўрганади, тадқиқ ва  
тарғиб қилади, у билан (ёки усиз) яшайди. Яъни маъноси бор ҳар  
нарсанинг маънавияти бор, жумладан, ижтимоий тармоқнинг  
ҳам.

Аввало, чегараларни ва урғуларни аниқлаб олайлик. Биз  
ижтимоий тармоқ маънавиятини ахлоқ, оилавий қадриятлар,  
эзгулик ва ёвузликка муносабат, маданият ва китобхонлик каби  
мавзулар доирасида ўрганамиз – мақола жуда кенгайиб, урғулар  
йўқолиб қолмаслиги учун мавзу қўламини чегаралаб оламиз.

### Тармоқда одоб, хулқ

Ижтимоий тармоқда фойдаланувчиларнинг хулқ-атвори тўғридан  
тўғри эмас, қандайдир бир призмадан ўтиб намоён бўлади. Яъни бу ерда  
мулоқотда одамлар аслидагидан кўра дадилроқ, журъатлироқ, бетгачо-  
парроқ, мулозаматсиз ва ҳатто шафқатсизроқ кўриниши мумкин. “Юз  
амри ширин” мақоли айнан мос келадиган ҳолат – икки шахс кўз-кўзга  
тушганда айтолмайди гапларини интернетда бемалол айтади. Муома-  
ла бобида ҳам шундай. Бу ҳатто одатий-оддий ҳол деб қаралмоқда. Де-  
мак, реал ҳаётдаги хулқ билан параллел равишда ижтимоий тармоқларда  
ўзгача, ўзига хос одоб шаклланиган.

Бу ахлоқ ҳар бир тармоқда ўзгача, фарқли намоён бўлади. Масалан,  
юртимизда энг кенг тарқалган, бугунги кунда 18 млн фойдаланувчига  
эга Телеграм мессенжеридан жуда ҳар хил, турли даража ва дунёқарашли  
одамлар тўпланган. Аноним қолиш, шахсини, тармоқдаги тарихини яши-  
риш имконияти кенг бўлгани боис муҳокамаларда одамлар анча тили бў-  
шалган, тиккакесар ва баҳсларда шахсиятга кўп тегилади. Сўкиш, ҳақо-  
рат сўзлари ҳам ҳеч бир пардасиз, эвфемизмларсиз ишлатилиши учрайди.

Айрим блогерлар, канал админлари муҳокама гуруҳларида мунозара  
қилиш қодаларини эслатиб туришади, бироқ фойдаланувчилар кўпда  
бунга риоя этмайдилар.

Фейсбукда фойдаланувчи сурати, исм-фамилияси, иш жойи, лавози-  
ми, таълим олган маскани, оилавий аҳволи, яқин қариндошлари, фар-  
зандлари, қизиқишлари ва бошқа маълумотларини бериши мумкин. Ўз  
шахси ҳақида қанча кўп ошкор қилган бўлса, тармоқда ўзини шунчалик  
одобли тутуди, эзгу инсон имижига шунчалик яқин келади. Лекин Фейс-  
букнинг доимий баҳс-мунозара, жанжал ва хайпга бойлигини эътиборга  
олсак, фойдаланувчилар баҳсда қизишгани сайин ахлоқ чегарасига яқин-  
лашаверади, баъзан одобни буткул унутиш ҳолатлари ҳам кузатилади.  
“Фейсбукда уришмаган борми?” деган ҳазил ҳам пайдо бўлган ҳатто.

Фейсбук фаоллари кўп сўзжанги қилишади, бир-бирларини блоклаша-  
ди ва бу низолар реал ҳаётга кўчиб, юзкўрмас бўлиб кетишлари ҳам мум-  
кин. Айни пайтда, тармоқда бир-бирини таниб, дунёқарашини мос келиб,  
дўст тутинганлар ҳам бор. Фикрлар чорраҳаси бўлган Фейсбук инсон-  
нинг ботинини очиб беради, унинг мазмунини кўрсатади.

(Давоми 2-3-саҳифаларда)



(Боши 1-саҳифада)

Қанча китоб ўқиган, саводи қандай, кўпроқ қайси мавзуларга эътибор қаратади, кимлар билан дўстлашади – буларнинг барини билиш имконияти бизга профил эгасини шахс сифатида яхшироқ танитади.

Фейк аккаунтлар ва уларни юри-тадиган троллар истисно, албатта. Бунақалар, афсуски, жуда кўп. Назаримда, тармоқлар орасида троллар айнан шу Фейсбукда энг фаол. Зиёлилар эса кўпинча кузатувчи мақомида туришни афзал биладилар. Сабаби, ҳар қандай позитивдан негатив кўра оладиган, бир фикр ёзса, умуман бошқа нарсани тушуниб шарҳ қолдирадиган, етмаганига шахсиятга тегиб, бетгачопарлик билан дилни тиладиганлар доим топилади. Ақлли одам учун ойдек равшан бўлган нарсанинг нима учун бунақа нотўғри қабул қилинаётганини англаш қийин. “Мен эзгулик ҳақида ёздим, нега мендан ёвузлик излашяпти”, дейди зиёли. Кўнгли оғриди. Жим туриш йўлини танлайди.

Фейсбукда ҳеч ким тўлиқ қўлаб-қувватланмайди. Пост кўйганда негатив муносабатларга тайёр туриш керак. Бу шунақа жойки, тушунган-тушунмаган гапиради, шовқин кўп. Киши ўзига керакли овозларни кераксиздан ажратиб олишни эплаши керак. Мухими, ҳар бир фойдаланувчининг муносабати эмас, умумий кайфият, жамоатчилик фикри, хулосалари – жанг шу учун бўлади. Яъни ҳар бири билан талашиб, ҳаммининг бир овоздан сени маъқуллашига эриша олмайсан.

Твиттерда эса ҳаммаси тамомила бошқача. Ўзбек сегментида фойдаланувчилар асосан “ник” – тахаллус билан фаолият юритишади. Бу анъананинг сабабларини аниқ билмайман. Тахмин қиламанки, ўткир фикрлар ва ғоялар макони бўлган Твиттерга бундан ўн-ўн икки йил аввал – жиддий цензура даврида кириб келган ўзбекистонликлар ўз шахсини яшириш орқали эркин фикр билдиришга интилишган. Шахсан ўзим айрим фойдаланувчилар билан йиллаб мулоқот қилиб, ҳаётда менга таниш одамлар эканини кейинчалик билиб қолган ҳолатларим бўлган.

Твиттерда фойдаланувчилар нисбатан эркин, самимий. Мавзулар сиёсатдан тортиб чойхонагача, анча интеллектуал даражада кечади. Фақат бир салбий одат бор – айирмачилик. Янгиларни эскилар унча ёқтиришмай, сафларига кўшгилари келмайди, худди мактабда синфга янги бола келганидек. Ўтган йили шунинг орқасидан жиддий баҳс ҳам бўлди: машҳур блогерлардан бири айрим фойдаланувчиларни “чуқур твиттер” деб кўйди (наст маъносида). Твиттер бир кеча ёнди: томонлар жиддий баҳс қилишди, твит эгасини сегрегацияда айблаганлар ва унинг ёнини олганлар жанг ҳақиқий “Варфоломей туни”ни эслатди.

Твиттер маънавияти барибир юксак: мавзуни бошлаган блогер тонг

# ИЖТИМОЙ ТАРМОҚДА МАЪНАВИЯТ БОРМИ? БЎЛСА, ҚАНДАЙ?

отиши билан узр сўради – баҳс дарров тинчиди. Ҳеч ким скриншот олиб тарқатмади, турли мавзуларга келтириб қўшавермади, таъна-дашномлар ҳам тақа-тақ битди. Шунчаки у-бу ерда ҳазил қилиб “чуқур твиттер” иборасини кўллаб қўйишади, холос.

Умуман олганда, Твиттерда айирмачилик, хусусан, иркчилик, миллатчилик, маҳаллийчилик каби иллатлар хусусида кўп баҳс кечади, қаттиқ қораланади: кутилмаган жойда ўзингиз билмай айирмачилик қилиб қўйган бўлиб чиқасиз – тилга, айниқса, атамаларга эҳтиёт бўлиш керак.

Бир сўз билан айтганда, Твиттер дидлиги қадар кенгкўнглиги билан ажралиб туради.

## Ишқ ва оилавий кадриятлар доимо тренда

Минглаб фолловерлар кўз ўнгида куртак ёзиб, униб-ўсиб, никоҳ ва бахтли оила даражасигача борган чиройли муҳаббат қиссаларидан тортиб обуначилар эътиборини тортиш учун ҳазил тарикасида қўйиладиган никоҳ постларигача учраб туради. Ўзбек сегментида энг кўп гаплашиладиган мавзулар кўпхотинлилик, хиёнат, қайнона-келин можаролари ҳисобланади.

Ҳа, тиллар кесимида мавзулар фаркланади. Масалан, рус тилли гуруҳларда кўпинча фарзанд тарбияси, унга янги билимлар ўргатиш, курслар, қўлланмалар, малакали шифокорлар, яхши мактаблар тўғрисида маслаҳат қилинса, ўзбек тилли гуруҳларда оилада эркак ва аёлнинг роли, эрнинг қариндошлари билан муносабатлар муҳокама марказида бўлади. Асосий баҳслар “Maslahat.uz”, “Oila.uz”, “Begoyim.uz”, “Karvonsaroy.uz” каби маиший-ижтимоий йўналишдаги машҳур гуруҳларда кечади. Қарашлар шу қадар баҳсли, шу даражада кутблики, кузатаётиб ўзбек оилавий кадриятлари жиддий трансформация қарши-сида турибди, деган фикр туғилади.

Аёллар тармоқда ўзини бахтли ва

тўқис кўрсатаётган ҳамжинсларининг кўпда бўрттирилган ва безалган ҳаётига ҳавасланиб, оилавий турмушга нисбатан танқидини кучайтирса, эркаклар турли филтрлар билан гўзаллаштирилган хурлиқолар образини реал ҳаётда ўз жуфти ҳалоллида кўришни истамокда. Тармоқ яратган иллюзияларнинг реал ҳаёт ҳақиқатлари билан тўқнашувидан оилавий зиддиятлар учун янги омиллар юзага келмоқда.

Бу ҳолат, албатта, ижтимоий тармоқларни олабўжигача чиқариб, муаммоларимиз сабабчиси шу, деган хулосага олиб келмаслиги лозим. Чунки тармоқ нари борса катализатор бўла олади. Йўқдан бор қилиб яратиб бермайди. Интернетнинг иштирокисиз ҳам ушбу муносабатлар ва реакциялар жамиятда мавжуд. Ижтимоий тармоқ бир “ойинаи ҳаёт” ўларок акс эттирмоқда.

Танишув ва мулоқот имконияти кенгайгани сайин виртуал муҳаббат пайдо бўлиши кузатишмоқда. Ўз жуфтини онлайн оламдан топиб, реал ҳаётда оила қурганларга шахсан гувоҳман, улар ҳозир бахтли турмуш кечиришмоқда. Оилавий ажримлар ортишида ҳам виртуал муҳаббатнинг ҳиссаси кўпайиб бораётгани сир эмас. Ўзим касб тақозоси билан гаплашган ФХДЁ мудирларининг қайд этишича, хиёнат туфайли ажрашишга келаётган жуфтликларда энди қуруқ даъво, “деди-деди”лар эмас, “пруф” (далил)лар мавжуд: скриншотлар, овозли ва видео-хабарлар... Тармоқ ҳеч нарсани унутмайди, яшириши мумкин, бироқ бир умр сир сақлашга ваъда бермайди. Демак, янги воқелик – мессенжерлар, ижтимоий тармоқлар оилавий кадриятлар ва умуман оила институти учун жиддий синов бўлмоқда.

Пичокни қотил ҳам, ошпаз ҳам ўз мақсади йўлида ишлатар экан, гап қуролда эмас, уни тутган қўлда. Ижтимоий тармоқларда оилавий кадриятлар фаол тарғиб ҳам қилинади. Хусусан, кейинги вақтларда омма эътиборини қозонган ижодкор Эркин

Бозоровнинг “Бобо” видеоролиги тармоқни том маънода портлатди. “Бобо – тарих, бобо – кадрият, бобо – ғурур, бобо – орият” деган шиор билан эълон қилинган соф ўзбеккона, халқона ва таъсирчан ролик оиланинг асл мақсади ва қадрини ифодалаш билан бирга, ижтимоий тармоқда маънавиятни қандай тарғиб этиш кераклигини кўрсатувчи яққол намуна ҳам бўлди.

Дард қаерда бўлса, даво ҳам ўша ерга келиши лозим. Ижтимоий тармоқларда оилавий кадриятлар тарғиботи таъсирчан, халқона ва замонавий тарзда фаол олиб борилиши – давримизнинг энг катта талабларидан.

## Маданият, илм, китобхонлик...

Интернет китобдан чалғитади, деган ҳукмга зид равишда ижтимоий тармоқлар илм-маърифатни фаол тарғиб қилмоқда, китобхонликнинг янги қирраларини кашф этишга ёрдам бермоқда.

Фейсбукда “Ўзбекистон тарихи” (65 минг), “Китобхонлар давраси” (53 минг), “Картина, искуство, живопись” (12 минг), “Тоғай Мурод” (3,5 минг), “Рауф Парфи” (1,7 минг), “Shavkat Rahmon” (1,1 минг) каби гуруҳлар адабиёт, шеърият, маданият тарғиботини юритади. Телеграмда “Kitob o‘qi” (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг канали), “Китобхон оналар клуби” гуруҳи (Саида Рашидова ташкил этган), “Madina” (Канадада яшайдиган Маданининг канали, асарларни ўзи аудиоформатда ўқиб тарқатади) каби гуруҳ ва каналларда китоблар муҳокама-си бўлади, такризлар эълон қилинади, муаллифлик ҳуқуқига риоя этган ҳолда аудио ва пдф форматда китоблар тарқатилади.

Ноширлик маҳсулотларининг SMMи ривожланиб бормоқда. Нашриётларнинг жамоатчилик фаоллари, букблогерлар ва китобхонлик гуруҳлари билан фаол ҳам-





корлиги натижасида “Кўрқма”, “Кўрбошилар”, “Мадаминбек: конли гуллар водийси” каби китоблар тармоқда машхур бўлди. Республиканинг турли бурчакларига етказиб бериш хизматлари орқали ўн минглаб ададда сотилди. Китоблар ҳақида интернет фойдаланувчиларига мос тарғибот шакллари оммалашмоқда – масалан, китоб тизерлари.

Тармоқда яна шундай каналлар борки, муаллифлик ҳуқуқига риоя этмаган ҳолда китобларнинг электрон версияларини тарқатиб, ноширларнинг ҳақида хиёнат қилади, китоб чоп этиш соҳасига ва унинг ортидан маънавиятга жиддий зарар етказди. Яна буни “маърифат улашиш” деган никоб остида амалга оширишлари маънавиятсизликнинг юкори чўккисидир.

Умуман, санъат асарларига муаллифлик ҳуқуқи масаласи интернетда жуда чалкаш ва абгор аҳволда. Буни яқинда катта шов-шув бўлган шоир Усмон Азим, хонанда Шерали Жўраевнинг фарзандлари ва Санжай ўрта-сидаги суд ишига муносабатда ҳам кўриш мумкин. Ушбу кейс ҳуқуқий доирадан анча кенгайиб, маданий, маънавий ва хулқ-атвор масаласига айланди. Инстаграмда Санжайнинг минглаб фолловерлари халқ шоири Усмон Азимни ва халқ артисти Шерали Жўраевни эътирозу ҳақоратларга нишон қилган бўлсалар, ўз навбатида зиёлилар ва санъат шинавандалари шоир ҳамда ҳофизнинг ҳимоясига отландилар. “Oyina.uz” портали [##UsmonAzimXalqShoigi](#) ҳештеги остида флешмоб бошлади ва унга кўпчилик қўшилди – шоири Азимнинг кўплаб шеърлари ва унинг ҳимоясига айтилган сўзлар билан тасмалар тўлди, баҳслар кизиди. Авлодлар ва кадрятлар жанги бўлди.

Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор. Ушбу баҳслар шоир, ҳофиз ижоди ҳақида, муаллифлик ҳуқуқи, интеллектуал ўғрилиқнинг ёмонлиги ҳақида кўплаб фойдали маълумотларни тармоққа оқизди, уларни кўпчилик ўқиди, маърифатланди.

Миллий-маданий мерос, меъморий ёдгорликлар, замонавий архитектура мавзулари ижтимоий тармоқларда ҳамиша қизгин муҳокамада. Хусусан, кўхна обидаларга нисбатан варварларча муносабат акс этган қатор ҳолатлар айнан тармоқ фойдаланувчиларининг хушёрлиги, тарих ва маданий меросга бефарқ эмаслиги юзасидан эътиборга тушди. Масалан, Ситораи Моҳиҳосса, Миздакхон макбараси, Чор Бакр мажмуаси, ЎзМУдан ўғирланган нодир қўлёмалар тўғрисидаги чиқишлар маданий меросни асраш, унга илм ва дид билан масъулиятли ёндашиш борасидаги жиддий муаммоларимизга жамоатчилик эътиборини қаратди.

Бухородаги Ситораи Моҳиҳосса тарихий музейига бориб, товуслар-

нинг патини юлиб олган қизлар акс этган видео эса жамоатчиликни қаттиқ жунбушга келтирди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тегишли чоралар кўрилишига сабаб бўлди.

Кинотакриз ижтимоий тармоқларда кўпчиликни қизиқтирадиган йўналиш сифатида кенг ривожланмоқда. Хусусан, Инстаграм, Тик-ток, Ютуб платформаларида киноивентлардан репортажлар, ведеотакриз, кино-тизерлар тез оммалашмоқда. Фейсбук ва Телеграмда эса кинотавсия ва кинотакриз жанрлари, айниқса, эътиборни тортади. Масалан, “Фариданинг икки минг қўшиғи”, “101-рейс” каби фильмларнинг рақамли тарғиботи ва муҳокамалари жамоатчиликнинг кинога бўлган сўнмас қизиқишини акс эттирди. Иккинчи томондан, профессионал кинотакриз онлайн оламда ҳали эгалланмаган бўшлиқ эканини ҳам намоён этиб кўйди.

Тармоқда фильмларни тарғиб қилишнинг ўзига яраша қоидалари бор. Олайлик, Фейсбукдаги “Kinotaqiz” гуруҳида фойдаланувчилар кўрган фильмлари ҳақида шунчаки ҳиссиётлар, таассуротлардан иборат мўъжаз тавсиялар ёзади. Бироқ “спойлер” берилмаслиги керак ёки постда спойлер бўлса, бошиданок огоҳлантириш лозим. Чунки воқеаларнинг охирини айтиб қўйиш фильмнинг томошабинга таъсири ва бадиий кийматини камайтириши мумкин. Шунга қарамай, ҳатто зиёли инсонлар ҳам бу қоидани тушунмай, фильмлар ҳақида ёзганда сюжетни бошдан оёқ сўзлаб беришлари кузатилади. Тармоқ бундайларни кечирмайди ва жиддий эътирозлар билан “сийлайди”.

Ижтимоий тармоқда бадиий тасвирий жанрлар, хусусан, шарж, карикатура, мэм кабилар тез тарқалади, севиб кўрилади ва фикр етказиш ҳамда уйғотишнинг самарали воситаси саналади. Inkuzart, Nabikatura, Rais Buva каби блогерлар бу йўлда фаол ижод қилиб танилиб келмоқда. Улар халқимизнинг бой маданий-маънавий манбаларига мурожаат этиб, шу орқали ижтимоий фикрга туртки бериш, протест изҳор қилиш, сатира тиғи билан муаммоларни ёритишга интиладилар. Масалан, Rais Buva режиссёр Зулфикор Мусоқовнинг “Абдуллажон” деган шедевр фильмидан ўсиб чиққан образ, Inkuzart эса Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби жадид боболаримиз суратини биноларга ишлаши билан тилга тушган. У ижтимоий ҳаётга муносабатини одатда бадиий адабиёт тимсоллари орқали билдиради. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги деворига Ғафур Ғулломнинг “Шум бола” асари мотивлари асосида чизган сурати катта шов-шув бўлди.

Бўлимни хулосаласак: ижтимоий тармоқ маданияти ранг-баранг, савияли, қизиқарли ва жуда қизгин. Бундан эллик-юз йиллар кейин авлодлар бизнинг давримиз ҳақида айнан шу

контент орқали хулоса чиқарса, шахсан менинг қаршиликим йўқ.

## Эзгулик ва ёвузликка муносабат

Бу эскирмас баҳс ижтимоий тармоқларда доимо трендда. Россия–Украина зиддиятлари кучайган ва ҳарбий операциялар бошланган кунларда тармоқ тандирдек кизиди. Уруш ҳаммининг қаргаларини аралаштириб, ҳатто бир оила аъзолари ўртасида ҳам қарашлар тўқнашувини келтириб чиқарди. Кадрятлар ва позициялар жиддий синовга дуч келди.

Ҳар қайси томон ўзини ҳақман деди, эзгуликман деди. Бу шовқинда урушни ўз номи билан уруш дея олган, унинг ёвузлик эканини айта олган инсонлар овози алоҳида ажралиб турди. Хусусан, ўзбек зиёлилари Эркин Аъзам, Фахриёр, Улуғбек Ҳамдам, Назар Эшонқул, Карим Баҳриев фикрлари жамоатчиликда катта резонанс уйғотди. Kun.uz мазкур чиқишларни бир умумий махражга жамлаб, “Буни ҳозир қилмасангиз, тарих сизни миллат сифатида кечирмайди – ўзбек зиёлилари россияликлардан урушни тўхтатишни сўради” деган сарлавҳа билан чоп этди.

Ўзбекистон халқ артисти Дилором Каримованинг Ютубдаги “Ko‘zgu” лойиҳасига берган интервьюси ҳам тармоқ фойдаланувчиларининг алоҳида эътиборига тушди. Урушга муносабатда ўзбек ижтимоий тармоғи ҳамон баҳсда бўлса ҳам, ўзбек зиёлиларининг яқдиллиги тарихда бир ёруғ саҳифа бўлиб қолгуси.

Урушдан ташқари ёвузлик, хусусан, кундалик маиший зўравонликлар тармоқда мунтазам муҳокамада. Бунда ҳам ўзига хослик бор. Масалан, келинни тўйда урган куёв аксар кўпчилик томонидан қораланди ва бу ҳол можаронинг мантикий ечимига қадар давом этди: ёшлар ярашиб, бирга яшаётгани айтилгач ҳам, тармоқ фойдаланувчиларининг ёвузликка нисбатан позицияси ўзгармади.

Боласини айиқ қафасига ташлаган она воқеасида ҳам худди шундай ҳол

## Хулоса

Маънавият мавзуси жуда кенг, ижтимоий тармоқ ундан ҳам кенг. Шу боис мазкур таҳлилимининг тўлиқ ва тугал деб бўлмайди.

Жамоатчилик фикри ва кайфиятининг кўзгуси ҳамда манбаси бўлмиш ижтимоий тармоқларда маънавий, маърифий, маданий ва ахлоқий ҳодисалару тенденцияларни илмий жиҳатдан ўрганишга эҳтиёж мавжуд.

Ижтимоий тармоқларда маънавий-маърифий мавзуларни бошлаш, бу борада “трестартер” бўлиш Республика Маънавият ва маърифат марказининг асосий вазибаларидан бирига айланиши зарур. Ҳозирча асосан давлат ташкилотларида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишга урғу бераётган ушбу ташкилот ёшларни тобора кенгроқ камраб олаётган тармоқларга эътибор қаратса, фаолияти самарадорлиги ортиши ва кўзга яққолроқ ташланишни бошлаши тайин.

Баридан қатъи назар бир хулоса аник: ижтимоий тармоқлар, бировлар ўйлаганидек, маънавиятсизлик уяси эмас. “Ким нени изласа, топқуси албат”, тармоқлар алгоритми шундайки, сизнинг савиянгиз, дунёқарашингиз ва дидингизни сезиб, ҳис қилиб, ўзингизга мос мавзуларни тақдим этади.

Ичингиздаги ичингизда ва тасмангиздадир.

**Шахноза СОАТОВА,**

**Адлия вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, журналист, жамоатчилик фаоли**

кузатилганини эътиборга олсак, тармоқда сабаблар ва аргументлар орқали жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш имконияти мавжудлиги, одамлар эзгулик ва ёвузлик тўғрисидаги қарашларини таҳрир қилишлари ва тўғри йўлни танлашлари мумкинлиги аёнлашади.

## Маънавият ҳақида ижтимоий тармоқ қандай фикрда?

Мақола бошида айтилганидек, ижтимоий тармоқларда баъзан бевоқифа “маънавият” тушунчасининг ўзи ҳам нишонга олиниб, танқид ва таҳлил қилиб турилади. Бир куни “Маънавиятни сарказм қиляпсизлар, лекин бошимизга келган кўп муаммолар айнан маънавиятсизликдан эмасми?” деган мазмунда твит қолдирганим, мени маддоҳ ва “саройи”ликда айблашди, лекин бу муҳим эмас.

Асосий баҳсда фойдаланувчилар маънавиятни қандай тушуниши, унга муносабати, маънавий сиёсатда қилинган хатолар ва унинг келажакдаги тўғрисида жиддий фикрларни айтишди. Кимдир “маънавиятчи”ларни инсонларнинг ҳаётига аралаштиришда, бошқаси ўз миссиясини тўғри тушунмаслик ва бажармасликда, яна бири эса буни давлат сиёсати даражасига олиб чиқишга асос йўқлиги, ўта шахсий масала экани тўғрисида гапирди.

Кўпчиликка ёққан твитлардан бири Сарафроз исмли фойдаланувчиники бўлди: “Гап, менимча, ўтган вақтдаги “маънавиятбозлик”дан эришилган натижада. Атама шунчаки курбон бўлди”.

Бизнинг ўлчовимиз бўйича энг маънавиятли тармоқ – Твиттерда айрилган ушбу фикрлар бугунги “маънавий сиёсат” (шундай атамани қўллаш мумкин бўлса) масъулларини ва мутахассисларни ўйлантириши керак. Маънавият зарурлигини англаган бир фуқаро сифатида тармоқ фойдаланувчиларининг эътирозларини таҳлил қилиш ва эътиборга олиш лозим деб ҳисоблайман.



(Боши 1-саҳифада)

Отам ва акалари, бобом уруш катнашчиси бўлганликлари боис ҳам бизнинг оиламизда унинг асоратлари кўпроқ сезиларди ва буни биз ҳар-биримиз ўз ҳаётимизда хис қилиб улғайганмиз. Урушдан кейинги йиллар. Тиним билмай ишлайсан-у, косанг оқармайди, биринг икки бўлмайди. Бор будимизни бердик, эвазига тавқилаънатни орттирдик. Муқаддас динимиз, ота мерос қадриятларимиз оёқ-ости қилинди. Эшигимизнинг олдиғача пахта (мен туғилиб ўсган Ургутда тамаки) экиб, қораидик, мистар бўлдик. Пахтаимизнинг ҳузурини бошқалар кўрди, ғўзапоёси бизга қолди. “Бир килограмм тамакимиздан қирк кути сигарет чиқар экан” дедиг-у, ярим кутининг пулини тўласа, қуллик қилиб индамай юравердик. Қани, индашга тил қани, кўнгил эса зардобга тўлиб бораверди, дерди отам. “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” деб бошимизга не кунларни солмади.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида мен мактаб ўқувчиси бўлиб, синфдошларим қаторида Жомбой туманига пахта терими ҳашарига келганман. Бугун менда солиштириш, таққослаш имконияти бор. Ўзим шу ерда ишлаяпман. Биз пахта терган ҳудудларда бармоқ билан санокли одамларнинг уйлари шифер қилинган, аксарият кўпчилик уйларнинг томи лойсувоқ эди. Одамлар касалманд, қора-қура болалар заиф эди. Мактаблардаги ўқишлар ўлда-жўлда, тиббиётдаги шароитлар ўта қолоқ, саводхонлигимиз ўта ачинарли эди. Тўғри, шу вақтларда ҳам ўқимишли одамлар чиқишди, аммо аҳоли сонига нисбатан олсак, рақамлар “йиғлатади” даражада. Қонида ота-бобосидан ўтган иқтидори бор кўплаб йигит-қизларимиз турли соҳаларда порлаб чиқишган, аммо уларни “синдириб” ташлайверишган. Энг сараларимизни дастлаб ўттизинчи йиллардаги қатагонлар, кейин даҳшатли, мантисиз уруш, ундан кейин эллигинчи йилларнинг бошларида бошланган қатагон ва ундан кейин эса, юқорида қайд этганимиз, пахта иши билан боғлиқ қатагонлар ўз домига тортди. Халқ бешиб, одамлар кўрқок бўлиб қолди. Афсус, ўша машғум ишларни, қабихликларни амалга оширишда ўзимиздан фойдаланишди, яъни болтанинг сопини ўзимиздан чиқаришди.

Шўролар кўшиғини куйлаб улғайдик, ўзимиз кўрмаган бегона ўлкалар фарзандларини улғуладик. Дину диёнат унутилди, Жалолдин Мангубердини танимадик, Амир Темурни ёвуз деб ўқидик, Мирзо Улуғбекдан, Алишер Навоидан тўласинча бахраманд бўлолмадик. Мирзо Бобурни Ҳиндистонни босиб олган, жафоқаш хинд халқининг бошига кўплаб кулфатлар солган босқинчи сифатида танидик. Китоблари Европанинг етакчи олий таълим даргоҳларида беш юз йиллар давомида асосий адабиёт, қўлланма сифатида фойдаланиб келинган Ибн Сино, шунингдек, Беруний ва Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Имоми Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Муин Насафий, Нодирабегим, Увайсий, Зебунисо каби юзлаб, минглаб боболаримиз, момоларимиз бўла туриб, “саводсиз” номини олдик. Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодрий, Элбек, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Усмон Носир, Исҳоқхон Ибрат каби миллат етакчилари, халқимизнинг қалби уйғок фарзандлари шахид бўлди.

Яқин тарихимизнинг аёзли кунларини кекса авлод вақиллари яхши эслади. Айниқса, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида бу тизим иқтисодиётининг ҳақиқий аҳволи партияннинг турли маънисиз съездларида айтилган гапларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги, халқнинг ўта қашшоқ яшаганлиги. Марказнинг таъйини, ички низолар, одамлар турмуш даражасининг ўта ачинарли ҳолатда эканлиги, моддий техника базасининг аҳволи, ҳам ижтимоий ва ҳам иқтисодий соҳадаги ўта қолоқлик халқнинг сабр қосасини тўлдирган бир пайтда миллат етакчисидан ўта ҳушёрлик ва жасорат, билим ва тажриба, қатъият талаб этиларди. Фарғона водийсидаги воқеалар, ташки ва ички кучлар, ман-

фаатлар тўқнашуви, Ўзбекистонни ислом мамлакатига айлантириш, халифалик тузиш каби иддаолар гирдобидан чиқиб кетиш, халқини соғ-саломат ёруғ йўлларга бошлаш учун ҳақиқий маънода мард ва жасур ҳамда билимли етакчи бўлиш керак эди. Янги асрнинг дастлабки йиллар бошларидан бошлаб мамлакат иқтисодиётида ўсиш, ижтимоий соҳаларда ҳам кўзга кўринарли ўзгаришлар бошлаган бўлса-да, ҳали ҳамон кўп соҳаларда турғунлик даврининг асоратлари кўриниб турарди.


Мен ўша йилларда молия муассасаларида ишлаганлигим боис тизимдаги кўплаб нуқсонларни, энг муҳими, тўғрилаш мумкин бўлган ва биргина ҳаракат билан изга солиш имконияти бўлса-да, ўша пайтларда нимагадир бир жойда “депсиниб” турган айрим жиҳатларга тўхталмоқчиман, ҳолос. Бу ҳам бўлса, пул маблағлари ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятлари билан боғлиқ. Савдо ва пулли хизмат муассасалари-

риш ҳам ўта қийин, муаммоли, таъбир жоиз бўлса, жумбокли масала эди. Валютанинг иккита, яъни давлат белгилаган ва банклар амал қиладиган давлат курси ҳамда расмий равишда ҳеч ким белгиламан, аммо ҳамма бирдай риоэ таъдиган бозор, аниқроғи, қоразор курси мавжуд эди. Ўртадаги фарқ эса “отнинг қалласиди” эди. Тадбиркорлик шунинг учун ҳам ривожланиб кетмасди. Шунингдек, тадбиркор ер олишда ҳам, қомулал соҳага уланишда ҳам, банк кредитларидан фойдаланишда ҳам жиддий тўсиқ ва бюрократик сансоларликларга дуч келарди. Умуман олганда, тизимда собиқ тузумнинг сарқитлари сакланиб қолган, улардан қутулиш жуда қийин кечарди.

2016 йилнинг охири ва асосан, 2017 йилдан бошлаб барча соҳаларда кескин бурилиш бўлиб, ижобий ўзгаришлар бўла бошлади. “Юртимизни сўнгги йилларда улкан ислохотлар қамраб олди” десак, асло муболаға бўлмайди. Буни халқро кузатувчилар,

ўтганимиз, яқин тарихда ҳалол меҳнат билан топган маошимизни пластик картадан нақдлаштириш учун олғир кимсаларга мурожаат қилишга мажбур бўлар, улар “холис хизмат” эвазига 20-25 фоизгача ҳақ олишарди. Ўн минглаб пенсонерлар, талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар шу адолатсиз тизим оқибатида маошининг чорак қисмидан маҳрум бўларди. Хориж билан ҳамкорлик қиладиган тадбиркорларни қўйтурайлик, ҳатто даволаниш учун хорижий давлатга бораётган бемор ҳам валюта айирбошлашда минг хил маънисиз тўсиқларга дуч келгани бор гап. Худди шу нуқсон ва таъбир жоиз бўлса, айтиш ўринлики, сунъий ташкил этилган “муаммолар” бир деганда ечимини топди. Одамлар эса, “бўлар экан-ку!” дейишди. Шу маънода, иқтисодий ислохотлар ҳеч шубҳасиз, халқимиз узоқ кутган ўзгаришлардан биридир.

Таълим ва хоссан олий таълим тизимининг ривожлантирилиши янги даврнинг



нинг тушумлари уларнинг тижорат банкларидан ҳисоб рақамларига туширилмасди. Аниқроғи, улар буни ўзлари хошлашмасди. Бундан улар фойда кўришмасди, аксинча, бу уларнинг зарарига ишларди. Сабаби, нақд пулсиз ҳисоб-китобдан кўра нақд пулга савдо қилиш, товар ёки хизматларини сотиш ўртасида катта салбий тафовут мавжуд эди. Бу “қора бозор”, дегани. Бунинг оқибатида бюджет ташкилотларида ишловчи ишчи ходимларнинг иш ҳақлари, пенсия ва нафақа тўловларининг тўланишида жиддий камчиликлар юзага келар, бунинг оқибатида ойлаб узиллишлар пайдо бўларди. Бу ижтимоий тўловларни “Биринчи даражали тўловлар” деб юритиб, тизим ходимлари ва маҳаллий ҳокимликлар ва ҳатто ҳукуматда ҳам асосан шу иш билан банд бўлишарди. Одатда бирон-бир товар пулга сотиб олинади, лекин ўша вақтларда биз пулга пул “сотиб” олганмиз. Яъни, йирикроқ савдо ташкилотларидан нақд пулли уларнинг ўз ҳисоб рақамларига қирим қилишларини “илтимос” қиламиз ва уларга бунинг учун келишувга кўра маълум даражада ҳақ, яъни фоиз (ўртача беш фоиз) тўлаймиз. Юзага келган харажатни эса ўз ходимларининг ҳалол иш ҳақларини сўраб келган бюджет ташкилотларидан ва почталар орқали пенсонерларнинг ҳақларидан қоплаб қоламиз. Энг ёмони, ой, чорак ва йил якунлари билан кўплаб мутахассис ва масъулларга чора кўрилади ва оқибатда яхши-яхши кадрлар синиб кетишди.

Тўловларни нақд пулсиз кўринишда тўлаш, яъни банк пластик карталарига кўчириб бериш чоралари ҳам кўрилди. Аммо нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг техник жиҳозланиши, тўлов терминаллари ва банкоматларнинг етишмовчилиги, шунингдек, юқорида қайд этилганидек, нақд пулсиз ва нақд пулдаги ҳисоб-китоблар ўртасидаги салбий тафовут бу ҳаракатларнинг самарали ишлашига монелик қиларди. Бундан қимлардир манфаатли бўлгандир балки, буни биров у, биров бу дерди, лекин ҳамма жим, ҳамма кутарди.

Яна бир муҳим масала тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларини хорижий валютага айирбошлаш, яъни конвертация қилиб бе-

нуфузли хорижий давлатлар, ташкилотлар эътироф этаётгани бир томон бўлса, оддий одамлар ҳам ўз ҳаётида сезиб, хис қилиб тургани ҳақиқат.

Авалло, Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатларининг ўрнатилгани, чегаралар очилгани ва назорат пунктлари ташкил этилгани, Марказий Осиё давлатлари билан барча масалалар бўйича конструктив мулоқот йўлга қўйилгани, бунда Ўзбекистон ташаббускор сифатида асосий роль ўйнаётгани қувонарлидир. Бир вақтлар ёнма-ён яшаган, ўзаро қандашчилик, қариндошлик алоқалари билан боғланган халқлар сунъий тўсиқлар билан бир-биридан айириб қўйилганди. Ана шундай бир даврда қондош-биродар одамлар бир-биридан хабар олиш, тўй-маракаларда бир-бирига ҳамдам бўлиш учун ҳам юзлаб қақирим йўл босиши, ўнлаб бюрократик синовлардан ўтишга маҳқум бўлгани ачинарлидир. Мамлакатимиз ташки сийёсатида янги ислохотлар бошлангач, биринчи навбатда Тожикистон, Қирғизистон, Қозғоғистон давлат чегараларида соддалаштирилган тартиб жорий қилинди. Қардош мамлакатлар билан самимий борди-келди қилиш имконига эга бўлди.

– Ўтган асрнинг 90-йилларида катта қизимни ўратепалик дўстимга келин қилиб бергандим, – дейди меҳнат фахрийси Садир Жумагелдиев. – Чегаралар ёпилгач, бир-биримиздан хабар олиш имконсиз бўлиб қолди. Ўз қизимни 19 йил давомида кўрмадим, фақат телефон орқали гаплашиб турдик. Шукурки, яна борди-келдимиз тикланди. Аслида икки қишлоқ ораси 20 қақирим, ҳолос. Эндиликда, ҳар ойда бориб-келиш имконимиз бор.

Сирасини айтганда, бу каби тақдирлар қардош халқларимиз орасида кўплаб топиларди.

Жамиятимизда иқтисодий ислохотлар ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Бунда биринчи навбатда, валюта бозорининг эркинлаштирилиши, нақд пул билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилишига асосий эътибор қаратилди. Юқорида айтиб

яна бир муҳим хусусиятларидан, десак муболаға бўлмайди. Нуфузли йўналишларга ўқишга кириш фарзандларимиз учун яқин ўтмишимизда ҳам шунчаки, орзу бўлгани аччиқ ҳақиқат. Бугун эса ҳақиқатда билими бор ёшларни ҳеч нарса тўхтатолмайди. Бир вақтнинг ўзида камида 5 тагача олий таълим йўналишларини танлаш имкони, муддатидан олдин ўқишга кириш имтиёзи янги авлодга қўшимча куч, рағбат бераяпти.

Ислохотлар ҳақида сўз юритар эканмиз, тадбиркорларга яратилаётган имкониятларни ҳам ёдга олмаслик мумкин эмас. Том маънода юртимизда тадбиркорлик муҳити учун янги замон бошланди. Ўзбекистонда ишбилармон қатлам юксалишнинг лоқмативи, дея эълон қилинди. Кичик ва ўрта бизнес вақилларига қўшимча имтиёз, профференциялар берилаётгани, субсидияли қўллаб-қувватлаш тизимларининг яратилгани ушбу соҳа фидойилари фаолиятида кескин ўсишга замин яратди. Асосийси, ҳеч ким тадбиркорнинг қонуний фаолиятига тўсиқлик қилолмайди. Ҳар қандай қонуний аралашув учун жавобгарлик белгиланди. Натижада ўнлаб замонавий қорхоналар ишга тушяпти, юзлаб-минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, юртимиз ривожини учун хизмат қиладиган инсонлар ҳақиқатда кадр топа бошлади. Бу ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Зеро, она Ўзбекистонимиз, унинг буғуни ҳам, эртаси ҳам, ютуғу камчиликларини ҳам барчамизники, ўзимизники. Ислохотларни бугун қилмасак, эртага кеч бўлади, ўзимиз қилмасак, биров келиб қилиб бермайди. Бунинг учун катта мақсад ва марралар сари Юртбошимиз ортидан бирлашимиз, жипслашимиз зарур. Шундагина мақоламиз бошида айтганимиз, етар манзилларимиз яқинлашади ва юзимиз Яратганининг ҳам, элу-юрт олдида ҳам ёруғ бўлади.

Қаюм СОБИРОВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



## (Боши 1-саҳифада)

Ёки икки жиҳат аралаш-қуралаш. Оллох билгич. Шундан кейин табиий бир савол туғилади: одамзодни нима ислоҳ қилади ўзи? Борми шундай куч дунёда? “Шўро даврида динга йўл берилмаган эди” дея иддао қиламиз. Мана, ҳозир диний ҳаётимиз анча эркин. Лекин рисоладагидек мўмин-муслмон бўла олдикми?..

Наҳотки, одам боласи пешонасига кўшотар милтиқ тиралиб, кўрқувдан тиззалари қалт-қалт титрагандагина ёмонликдан тийилса? Наҳотки, бусиз уни ўзгартириб, тарбиялаб бўлмася? Агар шундай эса, идеал жамият қуриш йўлида ҳали кўп тер ва кон тўкилиши муқаррар. Ўртада ядро уруши бўлиб, бутун мавжудот кирилиб кетмася, албатта... Урушни бошлаганлар ҳам қап-қатта одамлар, аслида. Кузатсангиз, “сувбоши”да гоҳо бир оёғи ерда, бошқаси гўрда турган қарияларни кўрасиз. Бизлар бўлсак анчайин томошабин бўлиб ўтираемиз. Эйтибор беринг, ХХI асрда – ҳозирги цивилизация даражасига қадар олис йўлни босиб келган инсоният, маданиятнинг энг юқори чўққисига турган давр одамлари шу ишни қиляпти. Гўё шунча йўл босиб ўтилмагандек. Гўё биз, башар аҳли ҳали-ҳамон ибтидоий жамоа тузумида ёки ундан нари – ғорларда яшаётгандекмиз.

Уруш – энг кичигидан энг каттасига қадар – шундай ҳодисотки, ғолиб бўлатуриб ҳам мағлуб саналиш мумкин. Чунки унинг ҳарбий, сиёсий, тарихий томонларидан ташқари, ижтимоий, маънавий-ахлоқий жиҳатлари ҳам бор. Ҳарбий ё сиёсий жиҳатдан енгиб, маънавий-ахлоқий мезонларга кўра енгилш хеч гап эмас. Ҳа, кўпимизнинг кийган кийимларимиз, минган машиналаримиз, яшаётган уйларимиз ўта замонавий, бироқ онг-тафаккур, савия-даража тош асриникидан заррача олдинга кетмагандек туюлади менга. Бошқача айтганда, бутун дунё, шоирлар топиб айтганидек, порохли бочка устида ўтирибди, лекин парво қилгани йўқ. Қизик, а? Тўғрироғи, даҳшат! Шундай эмасми?

Туғилиш кўпайиб тирикнинг кадри қолмаган эди, энди эса ажал тегирмони муттасил айланиб, ўликнинг иззати қолмаёттир. Кўпнинг кадрига етадиган жамиятлар эса ҳали қурилмаганга ўхшайди. Улар – инсониятнинг орзуси. Фақат... орзу орзулигича қолармикан? Мана, яна бир жавобсиз савол... “Лаънати” дегим келмаяпти, чунки унинг рўёбига умидим бор. Мен негадир “ХХI асрда ривожланган мамлакатларда катта урушлар бўлмайди. Зеро, улар етарлича тажрибага эга бўлди: жаҳон урушларидан хулоса чиқарди. Бас, тараққий топган ёки шу йўлдаги давлатларнинг вазифаси, мақсади, интилишлари фақат ва фақат идеал давлат, мукаммал жамият қуриш бўлади. У энди шу давлату жамиятга муносиб комил инсон тўғрисида қайғуради” деб ўйлаб юрар эканман. Афсуски, чучварани хом санабман: одам боласи ҳалигача “уруш-уруш ўйини”га қонмабди. Демакки, тафаккури ўсмабди. Чиқарган хулосалари, олган тажрибалари етарли бўлмабди.

Энг даҳшатлиси нима, айтайми – биз бола-чақамиз, ўйу хаёлимиз, ўтмишу келажакимиз, санъату адабиётимиз, орзуу умидларимиз билан ана шу ўсиб-улғаймаган одамлар, тўғрироғи, “одамча”лар измидамиз...

Чуқурроқ ўйлаб қарасак, урушлар аввало ичимизда пайдо бўлар, кейин майдонларга – коридору кабинетларга, чўлу ўрмонларга, қишлоғу шаҳарларга кўчар экан. Мамлакатдан мамлакатга ўтиб, уларнинг кулини кўкка совувар, борлиқ тирикликка хавфу хатар соларкан. Бас, шундай экан, бугуннинг ва эртанинг вазифаси – урушни ичкарисидан ташқарига чиқармайдиган муносиб инсонни тарбияламоқ бўлиши лозим эмасми?! Балки, бу гаплар эртадек эшитилар, лекин охири хайр билан тугайдиган эртақлар тўкиб, уларни ҳаётга татиқ қилиб яшамасак бўлмайдиганга ўхшайди. Чунки шу кетиши бўлса, инсониятнинг навбатдаги минг йилликни эсон-омон ўтказиб олиши даргумон.

Тажовузни ҳатто кўнгилда ёклаш ҳам уни дастаклаш, тажовузкорнинг ёнида туриш

билан баробар. Аслида, агрессиялар кўнгилда зулмга мойилликдан келиб чиқади. Бузгунчилик ва урушга мойилликни йўқ қилиш учун эса дунё миқёсида жуда катта маърифий ишлар олиб борилиши лозим валобуд. Бундан анча йиллар бурун Япония бош вазирининг олий ўқув юртларида гуманитар фанларни ўқитмаслик ҳақидаги қарорини тўртта ректордан бошқа ҳаммаси қабул қилгани тўғрисида хабар ўқиган эдим. Нима эмиш, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ишлаб чиқаришга алоқаси йўқмиш. Олий ўқув даргоҳларида фойда келтирадиган, кўз билан кўриб, қўл билан ушлаш мумкин бўлган моддиятга хизмат қилгич фанларгина ўқитилиши керакмиш. “Хўш, бунинг охири нима билан тугайди?” дея мандан сўралса, “Жуда катта вой билан!”



дея жавоб берган бўлардим. Албатта, мандану менга ўхшаш гуманитарлардан сўрагувчи одам йўқ ҳисоби. Эҳтимол, шунинг учун ҳам дунёни катта тезликда жарликка оқиб кетаётган оломон дарёсига ўхшатиш мумкин. Сиз оломонга “Олдинда хавф бор, жарлик бор!” дея қанчалик бақирманг, у бепарво – мудҳиш йўлида давом этмоқда. Бас, сиз ҳам оломон билан бирга кетиб бораверасиз. “Нега, нима учун ўз жонингизни кутқармайсиз?” деган ҳақли савол туғилади. Жавоб бундай: оломонлик даражаси қай даражада кучлилигидан қатъи назар, элдан ажралиб қолиш ҳам жарликдир. Қолаверса, бугун, не ажабки, дунё тақдири ана шу оломонга, унинг кайфиятига боғлиқ. Ҳа, яқин-яқингача дунёнинг равиши хос одамларнинг (элита) кайфияти билан қойим эди. Энди бўлса, уни омма, омманинг истаклари бошқаряпти. Сиз улардан алоҳида бўлиб ҳаётингизни кутқариб қола олмайсиз. Унинг ўзига етказган зарари, эртаими-кечими – мутлақо, ҳа, мутлақо сизни ҳам топиб келажак. Биз ана шундай замонда яшаймиз, замондош!..

Дунёда ҳали-ҳамон вайронкор куч бирламчи экани мени ташвишга солади. Инсониятнинг бунёдкор руҳга эга сара фарзандлари эмас, балки бузгунчиликка мойил, тафаккур бобида тубан табақага мансуб кимсаларнинг ҳокимият тепасига келиши – замонавий дунёнинг чинакам фожиасидир. Чунки юз йил олдинги мустабид, истаса ҳам, Ер шарини ўқидан чиқариб юбора олмас эди. Бугун эса ҳозирги қуроллар билан қурраи заминни юз қарра тескари айлантириб юбориш мумкин. Саккиз миллиардди Ер аҳолисининг тақдири бир ёки бир неча кишининг кайфиятига боғлиқ экани эса бундан-да аянчли. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди!!!

Аъмо одамнинг кўзлари очилиши билан илк қиладиган иши қўлидаги ҳассани улоқтириш бўлади, дейишади. Реал вазиятга кўра – кеча кўр бўлиб, бугун кўргувчига айланган инсон позициясидан туриб қарасангиз, бу тушунарли, албатта. Лекин мисолни рамзий англаб, воқеликка ҳасса тарафдан боқсангиз, кўзи очилган инсоннинг иши – бориб турган кўрнамақликдир. Оғир кунда тиргак бўлганни унуттиш бу. Инсон деган сўзнинг лугавий маъноси “унутувчи” эканини биламиз. Сўзлар маъносининг қисматга дахлдорлик тарафи борлигидан эса кўпчиликнинг хабари йўқ. Нима, қорига яраган асонинг кадрига етиши учун инсоният умрбод кўр бўлмоғи керакми? Бошқача айтганда, урушнинг кулфатига иқрор бўлиб, тинчликнинг кадрига етишимиз учун мудом уруш ичида, бугун қўлимиздан, эртага оёғимиздан ажралиб яшамоғимиз шартми? Фақат шундагина одамзод ўз инсонлик мақомида тура олади? Йўқса, дорилонмон кунлар келиши билан ҳайвонлик даража-

сига, ҳатто гоҳида ундан-да тубан поғонага тушиб кетадимми?!

Балки жавоб қадимий ривоятларда, муқаддас ўғитлардадир. Зотан, улар инсон моҳиятида нуқсон борлигига ишора қилади-ку! Эсланг, шайтон Оллоҳга исён қилиб, “Уруш чиқарадиган, кон тўқадиган инсонга сажда қиламанми?” дея савол қўяди. “Қиласан!” дейди Оллоҳ. Инсонга эса танлаш имкони берилди. У эзгу амали билан малоиклардан-да юксалиши, айни чоқда, ҳайвонни ҳам уялтиргудек маъсиятларга қўл уриши мумкин. Оллоҳ инсоннинг биринчи йўлни танлашига имкон беради, шунга қақиради. Танлов ўзимиздан... Лекин нега биз аксар ҳолда иккинчи йўлни танлашга мойил бўламиз? Эҳтимол, шу ерда идеал жамият, мукаммал давлат ва

до, давом этса, бир кунмас бир кун тўй ва аза маросимлари ўтказиладиган иморат қўлдан кетиши муқаррар. Уни ўзгалар эгаллаб олади.

Алҳол, орзу-мақсадларимиз майдалашди. Шунга яраша идеалларимиз ҳам. Назаримда, кўпчилик тузукроқ орзу қилишни ҳам билмайди ҳозир. Идеаллар ҳақида эса тасаввурга ҳам эга эмас. Одамлар маиший истаклар домида қолган: йўқсиллар қора қишда иссиқ ва чароғон уй, сарёғ суртилган бир бурда нон истайди. Ўзига тўқроқлар – данғиллама ҳовли-жой, “сити”лардан “ақлли уй”, қиммат машинаю энг сўнгги русумдаги телефон. Сал илғорлари – саёҳат қиламан дейди... Энди эл тамомила ўзга масалалар устида бош қотираётган бўлиши ке-

## Жавобсиз қолаётган САВОЛЛАР

комил инсон тарбияси ҳақида сўз бориши керакдир?

Аммо... лекин... бироқ... отамларнинг авлоди анча-мунча бошқача эди-да, дейман. Оқибатни биларди. Отам 1940 йилда туғилган. Унинг тенгдошлари фронторти қийинчиликларини хўб тортган. Ерда ётган нонни кўрса, қўлига олиб ўпиб, пешонасига суртиб, оёқ босмайдиган жойга олиб қўярди. Кейинги авлодлар бу ишни қилмас бўлди. Тепиб ўтишга-ку тепиб ўтмас, лекин отамнинг авлодига ўхшаб – хор бўлиб ётган нон бўлагини пешонасига суртиб, четга олиб қўймасди-да. Ундан кейингилар эса, нонни олиб-ўпиб, оёқ босмас жойга қўйгич авлод устидан ошқора куладиган бўлди. Ҳозир эса нонни тепиб ўтадиганлар пайдо бўлган десам, ёқамга ёпишишдан олдин атрофга яхшилаб назар солинг. Чунки икки катта уруш узоқда қолди, унинг азоблари, етказган захматлари унутилди ҳисоб. Қалбда яна ўша жавобсиз савол туғён солади: неъматнинг кадрига етмоқучун фақат урушу киргин бўлиб, одамлар ит азобини кўриши керакми? Катта авлодлар қўрган-кечирганидан хулоса чиқарасак бўлмайдимми?..

Биз бугун нима билан бандимиз? Идеал жамият қуриш ҳақида ўйлаёмизми? Яқинда кўшимиз – нафақадаги полковник билан уй олдида гаплашиб қолдим. У ҳам жамият ҳолини таҳлил қилиб юргич экан. Собик ҳарбий “Улуғбек, нега биз бунақа бўлиб қолдик? Кичик катгани ҳурмат қилмайди, катта эса кичикни иззат қилмайди. “Ўзбекимиз, ўзимизга хону ўзимизга бекимиз” дея кўкрагимизга урамиз. Лекин, ўйлаб қарасам, кўкракка мушталаш билан иш битмас экан. Назаримда, миллат ўлароқ талай қусурларимиз бордек. Аввало, кўп йўналишлар бўйича ортда қолиб кетганмиз, яъни қоқоқмиз. Мақтаниш ўрнига кўпроқ ўнғиланиш ҳақида гапириш керакмикан дейман-да...” деб қолди.

Менимча ҳам камчиликларимиз мўл-кўл. Чунончи, биз ҳали-ҳамон уч одим отиб тўхтаёмиз. Тўғрироғи, тўхтатилаёмиз. Ўлим тўхтатаяпти бизни. Бу уч одимнинг оти: иморат, тўй ва аза... Биз неча асрлардан бери ўз ҳаётий мақсадимизни шу уч манзил билан боғлаб келмоқдамиз. Иморатини қуриб, бу иморатда тўй ва азасини ўтказиб олган ўзбекнинг умри ҳам, орзуу мақсадлари ҳам соб бўлади... Олдимизга юксакроқ мақсадлар қўйиб яшашга эса недир халал беради. Неча замонлардан бери шундай... Аммо бу тарз мангу давом этиши мумкин эмас. Мабо-

рак эмасми?! Нега ҳануз маиший истаклар миллат кунтартибидаги бош мавзулар бўлиб қолмоқда?! Ҳаётий мўлжалларимиз маиший истаклар даражасида белгиланаверса, тинимсиз ўзгариб-гурланиб бораётган дунё тегирмонидан эсон-омон чиқа оламизми? Хавотир шундан!

Тунов кун анча йиллар бурун ишланган “Курьер” деган фильмни такрор кўрдим. Кинодаги бир эпизод ҳар гал кўрганимда менинг бағримда танда қўйган қўхна ярани янгилаб юборади. Қаҳрамон дўстидан сўрайди:

– Орзунг борми?  
– Бор.  
– Хўш?  
– Пальто сотиб олиш.  
– Ия, шу ҳам орзу бўлдимми?  
– Бўлмасам-чи, бултур пальтосиз қолганим учун киши билан шамоллаб чиқдим.  
– Унда, ма, ол, – дея қўлидаги пальтосини ўртоғига ҳадя этиб юборади қаҳрамон ва қўшимча қилади: – Буюк нарсаларни орзу қилиш керак, эшитяпсанми, буюк нарсаларни! Сен эса пальто дейсан...”

Сиз билан биз-чи? Қаерга етиб келдик ва нималарни орзу қиляёмиз, қадрдоним замондош? Бизнинг ҳам кўзларимиз ўша пальтода (иссиқ ва чароғон уйда, виллада, қимматбаҳо машинада, мансабда, шухратда, хорижда...) эмасми мабодо?! Улар бизни мақсадимизга олиб борадиган воситами ва ёхуд аллақачон мақсаднинг ўзига айланиб улгурдимми? Ҳа, биз орзуну истак даражасига тушириб қўйдик. Истик баданнинг эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлса, орзу, чинакам орзу руҳнинг, инсон жавҳарининг эҳтиёжлари билан вобастадир. Кечаги кунимиздан хулоса чиқариб яшамаслигимиз орзуу мақсадларимизнинг майдаланиши, ҳаддан ташқари маишийлашиб кетгани билан ҳам боғлиқдир, эҳтимол...

Фақат истак билан яшаган инсон ҳам, миллат ҳам орзу қилмоқ бахтидан мосуво. Орзу қилолмаган инсону миллат эса жисми бор-у, ўзи йўқ хилқатга айланади. У сарқаш саволларга жавоб излаш не, ҳатто бу ҳақда ўйламоққа ҳам қодир эмас. Қўлидан келадиган биргина иш – замон дарёсида оқиш. Зеро, бошқа дарёларда у ғарк бўлади. Бизни юксак орзуларгина ўзгартириши мумкин. Орзу қилишдан, қилганда ҳам баланд-баланд орзулар қилишдан толмайлик. Зеро, орзуманд инсонгина урушдан, кон тўқишдан ҳазар қилади.

Улуғбек ҲАМДАМ



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Ёшларнинг маънавий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш” мавзусидаги давлат гранти асосида тайёрланди.



# Қачон халқ бўламиз?

Яқинда ижтимоий тармоқда собиқ совет даврида Ўзбекистон ва ўзбеклар: ерини, сувини, миллат ўлароқ соғлиғини абгор қилиб ва уйининг томигача пахта экиб бўлсада 6 миллион “оқ олтин” топширишдек қуллар меҳнатини зиммасига олганлиги атрофида қизгин баҳс-мунозара кечди. Айримлар ўзбекларни бошқа совет республикалари халқига қараганда қисмати шўр, энг хўрланган миллат сифатида ҳам тақдим этишди.



Баҳс ўлароқ собиқ иттифок таркибида бўлган 15 та республиканинг биринчи раҳбарларининг ўз халқини марказ зулмидан ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳақида ҳам гап кетди. Ва Шароф Рашидов шахси атрофида турли фикрлар билдирилди. Ҳозир бу беназир инсон хусусида юртдошларимиз билиб-билмай билдирган фикрларини қўя турайликда, хўш, биз бошқа халқларга нисбатан “энг эзилган” халқ бўлсак, бунга ким айбдор, деган анъанавий савол-сўроқни ортга суриб, бир ўй сурайлик, баъзи фактларга эътибор қаратайлик.

1977 йил. СССРнинг янги конституция қабул қилинади ва шу конституция асосида 15 республика ҳам ўз конституциясини янгилайди. Иттифокдош республикаларнинг “янгиланган” конституциясида рус тили давлат тили сифатида белгиланади. Грузия пойтахти Тбилисида ўн минглаб одамлар кўчаларга чиқиб митинг қилишади: талаб – Грузияда грузин тили давлат тили бўлиши керак! Халқ иродаси олдида Москва

ҳам ночор қолади ва Грузиянинг ўша пайтдаги раҳбари Э.Шеварнадзега, майли грузин тилига давлат тили мақомини беравер деган топшириқ бўлади.

1988 йил “Правда” газетасида Арманистон раҳбариятининг коррупция ботқоғига ботганлиги ҳақида мақола чиқиши биланок, эртаси куни Ереван кўчаларида норозилик намойишлари бошланиб кетади. Алал-оқибат, Арманистон ҳақида марказий нашрларда танқидий мақолалар тўхтади.

1986 йил Қозоғистон биринчи раҳбарлигига Д.Кунаев ўрнига рус Колбин тайинланганда Олма-отада козоқ ёшлари “Қозоғистонга козоқ раҳбарлик қилиши керак” деган широрлар билан оммавий намойишлар қилишади.

Хўш, энди ўз аҳволимизга бир назар солайлик. 1983-1990 йиллар оралиғида машъум “пахта” ва “ўзбек” иши доирасида 25 мингдан зиёд юртдошларимиз зиндонбанд этилганида, марказий нашрлар ҳар куни ўзбек халқи устига мағзава ағдариб турганида ва юртимизга чорак аср раҳбарлик қилган Шароф Рашидов майитини гўрдан олиб гўрга солганимизда бирор ўзбек миқ этдими?

Шароф Рашидовнинг Шахс сифатида ўзига хос фазилати, ватанпарвар инсон сифатида жасорати, айниқса Марказ билан муносабатда чўнг бир ғурурни саклай билгани, Ўзбекистонни оёқ ости қилишга мутлақо йўл қўймагани (1970-йиллар бошида Андропов бошчилигидаги ёвуз кучлар 1983 йилдан кейин амалга оширган “пахта” ва “ўзбек” ишини ўшандаёқ амалга оширишга уриниб кўришган) сингари ҳал қилувчи воқеалар ҳамон халқимиз кўзидан панада қолмоқда. Шу ўринда собиқ КПСС Марказий комитети бош секретарлари (Брежнев, Андропов, Черненко, Горбачев) ёрдамчиси бўлиб ишлаган Андрей Александров-Агентов, СССР Министрлар совети раиси ўринбосари, Давлат режа кўмитаси (Гос.план) раиси Байбаков, 1974-1979 йиллар Ўзбекистон КГБси раиси Эдуард Нордман сингари раҳбарларнинг мемуарларида Шароф Рашидовнинг жуда катта Шахс сифатидаги ҳақиқий қиёфаси намоён бўлган. Айниқса Андропов тахтни эгаллаб, Рашидовга босимни кучайтирган 1983 йилда КПСС МК ташкилий-кадрлар бўлими бошлиғи, кейинчалик МК секретари Егор Лигачёвни

қайириб ташлагани, Ўзбекистон ва ўзбек халқини Москвага сотган Ўзбекистон КГБси раиси Мелкумовнинг хоинлиги маълум бўлгач, ўзи ниҳоятда қийин аҳволда қолган бўлишига қарамасдан уни раис лавозимида олиб ташланишига (1983 йил август) эришиши – Рашидовнинг сиёсий таъсири ва обрўси Москвада баланд бўлганлиги, Шахс сифатида мустаҳкам ирода эгаси эканлигини кўрсатадиган воқеалар сирасига кирди. Унинг ҳаётида бундай таҳликали ва мардона воқеалар жуда кўп бўлган.

Шароф Рашидов халқимиз ҳимояси учун бундан-да катта ишларга кодир бўлган. Аммо бу донишманд инсон раҳбар сифатида уни ҳам зарур пайтда ҳимоя қила оладиган халқни кўрмаган! Ва унинг бу иштибоҳини ўлимидан кейин халқимиз ўзининг зулмга унсиз бош эгиши, ўз ҳуқуқларини худди грузин ёки арману козоқлардек ҳимоя эта олмгани билан юз фоиз исбот этди. Раҳбардан талаб қилиш тўғри, аммо тақрор бўлса-да айтайлик: энг таҳликали пайтда раҳбар ортида туриб юртни мардона ҳимоя этадиган Халқ ҳам бўлиши керак-да.

Жалолиддин САФОЕВ

## САХОВАТНИНГ САВОБИ

Самарқандлик оила ўз болаларига кўшиб, беш нафар етим боланинг суннат тўйини ўтказди. Шукр, шундай замондошларимиз бор. Меҳр-оқибат йўқолиб бораётганлиги бот-бот таъкидланаётган замонамизда кўнглидан чиқариб, ихтиёрый равишда савоб ишга қўл уриб келаётганлар мавжудлиги ўта қувонарлидир.

Боғимайдон маҳалласида истиқомат қилаётган Восеъ Мажидов ўғли Зиёдулло билан ана шундай савобли ишни ихтиёр этиб, у ҳақда гапиришни ўзларига эп кўрмаган саховатпеша ва камтарин инсонлардир. Улар икки нафар ўз жигарбандлари каторида яна беш нафар етим болаларнинг суннат тўйини ўтказишди. Агар камини ушбу тўйга қатнашмаганимда, бу хайрли иш ҳақида хабар топмасдим ва кенг жамоатчилик бундай ибратли ташаббус ҳақида эшитмасди. Чунки тўй соҳиблари бу ҳақда бошқаларни хабардор қилишни хаёлларига ҳам келтиришмаган экан. Бунга уларни зўрга кўндирдим.

Восеъ аканинг айтишича, етим болаларга ёрдам кўрсатиб келаётган “Меҳр” ташкилотидан суннат қилиниши лозим бўлган беш нафар ўғил болалар ҳақида маълумот олиб, уларга ҳам худди ўзининг икки нафар набирасига қилганидек сар-



по тайёрлаган. Дид билан безатилган тўй дастурхони атрофида йиғилганлар кўз олдида болаларга махсус сарполар кийгизилди.

Тўй аввалида амри маъруф қилган Ўзбекистон мусулмонлар идораси Самарқанд вилояти вакили ўринбосари Ёқубжон Мансуров Мажидовлар оиласининг хайрли ишининг савоби ҳақида сўз юритди. Етимларнинг бошини силаш, ўзгаларга яхшилик қилиш ҳақидаги ҳадислардан намуналар келтирди. Мана ўша ҳар бир мўмин билиши ва амал қилиши лозим бўлган ҳадислар:

Саҳл ибн Саъддан ривоят қилинади: Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам “Мен ва етимни қафилликка олган киши жаннатда мана бундай бўламиз”, деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларини

ажратиб кўрсатдилар. Имом Муслим ривояти.

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: Расулulloх саллаллоху алайҳи васаллам: “Одамларнинг яхшиси одамларга манфаати тегадиганидир”, дедилар. Имом Табароний ва Имом Ибн Ҳиббон ривоятлари

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: Набий саллаллоху алайҳи васаллам: “Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига яхши кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунча ҳақиқий мўмин бўлолмайди” дедилар. Имом Бухорий ривоятлари.

Тўй жуда файзли ўтди. Тўй болалар қувончининг чеки йўқ эди.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ



# ЖАЗО ҚАТЪИЙ, ШИКОЯТГА ҮРИН ЙЎҚ!



**Айни дамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан белгиланмаган жойларга чиқинди ташлаш ҳолатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарлар қатъий жазоланмоқда.**

кейин бир йил давомида такрор содир этилса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

— МЖТКнинг 91(1)-моддасига кўра, белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек, суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

— Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солинади.

— Маиший ва қурилиш чиқиндилари полигонларига жойлаштирилиши керак бўлган чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш

бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солинади.

Унутманг!

Белгиланмаган жойларга чиқинди ташлаш орқали атроф-муҳитга зарар келтирасиз. Қолаверса, бу ҳуқуқбузарлигингиз ўзингизга ҳам қимматга тушади – катта миқдорда жарима ҳам тўлашга мажбур бўласиз.

Дикқат!

Бугунги кунда қўшимча 200 та қузув камераси ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Келгусида эса бундай камералар бутун мамлакат бўйлаб ўрнатилади. Мақсад чиқиндиларни дуч келган жойга ташлаб кетиш ҳолатларига бутунлай чек қўйишдир.

Хулоса!

Табиат олдидаги масъулиятингизни хис қилган ҳолда, ўзингиз яшаб турган муҳит, нафас олаётган ҳаво тозалигига ҳисса қўшинг. Чиқиндиларни фақат чиқинди қутиларига ёки махсус белгиланган жойларга ташланг.

**Вазирлик ахборот хизмати**

Маълумот учун, вазирлик томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги ноқонуний чиқинди ташланадиган жойларда 25 та замонавий камералар ўрнатилиб, диспетчерлик ва онлайн мониторинг марказий бошқармаси томонидан онлайн режимда кузатилмоқда, доимий назоратда.

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 91-моддасига кўра, саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан

ЖАМИЯТ



**Муассислар:**

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

**Бош муҳаррир**  
**Максуд ЖОНИХОНОВ**

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-710  
Адади: 1015.  
Пайшанба кун чикади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 3 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида  
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
71-233-72-77,  
71-233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00

1 2 3 4 5 6


**Суюк шўрва саломатлик учун бир қатор афзалликларга эга. Бундан 2500 йил аввал Хитой тиббиётида суюк шўрвадан буйраклар фаолияти ва овқат ҳазм қилиш тизимини мустаҳкамлаш учун дори сифатида фойдаланишган.**

Желатин ва оксилга бой суюк шўрваси саломатлик учун муҳим бўлган озуқа моддаларини ўз ичига олади. Тадқиқотлар мунтазам равишда ушбу шўрвани истеъмол қилиш бўғимлардаги оғриқни енгиллаштириши ва суюкларнинг соғлом ўсишига ёрдам беришини, тери ҳолатини яхшилаб, иммунитетни оширишини кўрсатган.

Бундан ташқари, ажойиб коллаген манбаи ҳисобланган бу маҳсулот яраларни даволаш, кўркама ва эластик тери, соч толалари ҳамда суюклар мустаҳкамлиги учун фойдали. Шу билан бир қаторда калций, фосфор, марганец, глицин каби қатор дармондорилар танага гўзаллик ва чакқонлик берибгина қолмай, балки иммунитет тизимини ҳам мустаҳкамлайди, овқат ҳазм қилиш фаолиятини яхшилайди.

Бу шўрва хонимларни қизиқтирадиган яна бир хусусиятга эга. Яъни, таркибдаги коллаген вазн йўқотиш учун самарали ёрдамчи экан. Коллаген истеъмоли аёлларга мушаклар массасини сақлаб қолган ҳолда таналаридаги

# СУЯК ШЎРВА НЕГА КЕРАК?



ёғлардан халос бўлишга ёрдам берар экан. Шунингдек, коллаген шикастланишларнинг олдини олиш ва тўқималарни тиклаш учун ҳам фойдали.

Суюк шўрвадаги глицин моддаси метаболизмда, жигар фаолиятини яхшилайди ҳамда организмда холестерин, инсулин ва ошқозон кислотаси миқдорини назорат қилади.

Мол суюкларидан тайёрланган таомлар тўйимли ва кучли бўлиб, организмда темир танқислиги, оғир жисмоний зўриқишлардан кейин тикланиш учун айни муддао. Маҳсулот юрак-қон томир тизими фаолиятини мувофиқлаштириб, асаб тизимини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Суюклардан тайёрланган шўрва танани калий, фосфор, В гуруҳ дармондорилари, темир, натрий, оксил, аминокис-

лоталар билан тўйдиради.

Шўрвадаги оксил ичак шиллик қаватини тиклаш билан овқат ҳазм қилиш учун соғлом муҳит яратади. Ичаклар фаолиятини енгиллаштириш эвазига кун давомидаги яхши кайфиятни ҳам таъминлайди. Бу таомнинг ёғли ва юқори калорияли эканлигини инобатга олиб уни ҳар кун истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Шунингдек, буйрак тош касалликлари беморлари ҳам суюк шўрва истеъмолида шифокор маслаҳатини олганлари маъқул. Чунки протеинли овқатлар буйракда тош пайдо бўлишининг олдини олишга ёрдам берадиган ситрат миқдорини камайтиради. Шу сабабли буйракда тош йиғилиши ва подагра билан оғриган беморларга суюк шўрва тавсия этилмайди.



Дунёнинг топ университети –  
Стэнфордга тўлиқ грант ютган  
ўзбек қизи ҳикояси

## «ОТАМ ҚИЗ ФАРЗАНД КЎРИШНИ ИСТАМАГАН»

Фарангиз Муродий Тошкентда туғилиб, 4-синфгача шу ердаги мактабда ўқиган. Кейин Туркияга кетади ва қолган ҳаёти Истанбул билан боғланади. У барча ютуқлари ортида онасининг қўллаб-қувватлаши ва ишончи турганини айтади.

### Онаси ишлатган «ҳийла»

Фарангиз Туркияга бориб, 4-синфни бошлаш арафасида онаси унга янги синфга ўтиш учун имтихон топшириши кераклигини айтади. Бунинг учун эса яхши тайёрланиб, турк тилида имтихон топширишга тўғри келади. Мактабда доим биринчи бўлишга ҳаракат қилган, аъло баҳоларда ўқиган Фарангиз Туркияда ҳам бу пешқадамликни қўлдан чиқаргиси келмайди. 3 ойлик ёзги таътил давомида 1-синфдан 3-синфгача бўлган туркча дарсликларни ўқиб, имтихонга тайёрланиб чиқади. Лекин янги ўқув йили бошланиши арафасида ҳеч қанақа имтихон қилинмай кейинги синфга қабул қилинади.


Қизалоқ бу онасининг қизининг яхши ўқиши учун қўллаган «ҳийласи» эканини кейин пайқаб қолади. «Онам ўзи кўп тилларни билгани учун бизни ҳам ҳар томонлама ақлли қилиб ўстиришга ҳаракат қилган. 4-синфни Туркияда давом эттиришимга тўғри келганда, онамининг ўшанда ишлатган усули менга доимо асқатди», – дейди Фарангиз.

### Доимо энг яхшиси учун ҳаракат қилиш

Америкадаги олийгоҳларга киришнинг асосий шартларидан бўлган SAT имтихонидан 1560 баллни қўлга киритган. Бу имтихондан энг юқори балл 1600. Қизиги, у бу натижага мустақил тарзда, ўзи китоблардан ўқиб тайёрланганини айтади. Фарангиз SATдан юқори балл олиш учун жами 5 марта имтихон топшириб, охирида ўзи истаган натижани қўлга киритган. Шунинг учун у бу билимини бошқа ёшларга ҳам ўргата бошлаган ва бунинг учун YouTube каналини ҳам ташкил қилган.

«Бундан мақсадим, потенциали бор ўқувчиларни юзага чиқариш ва уларнинг ҳам юқори балл олишида кўмаклашиш», – деб айтади у.

Фарангиз Йел, Ҳарвард, Стэнфорд ва Дартмут – дунёнинг топ 20талик рўйхатига кирувчи олийгоҳларига ҳужжат топширган. Одатда абитуриентлар 20-30талаб олийгоҳларга ҳужжат топширади. Фарангиз эса атиги 4та олийгоҳни танлаган. Бунинг сабабини эса болалигидан энг яхшисига эришишга ҳаракат қилиб келгани билан изоҳлайди.



“Шунинг учун ҳам энг топ олийгоҳларни танладим ва ҳаракат қилсам, албатта, уларга киришимга ишонардим. Бошқа университетларга ҳам кира олардим, лекин бундан ўзимнинг кўнглим тўлмасди”, – дейди у.

### Стэнфорд дунёни ўзгартирмоқчи бўлганларни танлайди

«Стэнфордни танлаганим сабаби у ерда тадбиркорлик, бизнес соҳасида йирик стартаплар қилиш имкони кўп. АҚШдаги олийгоҳларга қабул қилинишда SAT, IELTS имтихонидан ташқари, талабгорнинг кадрияти, дунёқараши муҳим ўринда.

Имтихондан катта баҳо олишингиз мумкин, лекин бу сиз жамият учун фойдали инсон бўлишингизни англатмайди. Масалан, Стэнфорд кадрияти бўйича ижтимоий соҳада дунёни ўзгартирмоқчи бўлган инсонларни танлайди», – деб тушунтиради у.

Буни талабгор ёзаётган иншоларида, сўралган фаолият турларини ёзаётганда кўрсатиши лозим.

«Ариза тўлдирганда фаолият тури деган жойи бор. Бунда кўп талабалар тўлдириш керак бўлгани учунгина тўлдиришади. Турли волонтерлик дастурларида ҳам аризанинг шу қисмини тўлдириш учун қатнашишади. Яъни мақсад аризани тўлдириш эмас, мен дунёга қандай фойдали инсон бўламан деган қараш бўлиши керак. Мен эса ўзим қизиқиб, айнан битта йўналишда турли дастурларга қатнашиб юрганман. Яъни ичимдан хоҳлаганман ва бу аризамда ҳам кўринган», – дейди у.

Стэнфорд Фарангизга жами 370 мингга яқин грант ажратган. Бу пул 4 йил бакалаврда ўқишга етади. Олийгоҳда ўқиш йилига 100 минг долларга

яқин тушади. Хўш, нега битта талабага бунча кўп миқдорда грант ажратди?

Қахрамонимизнинг айтишича, университет талаба ўқишни тугатгандан кейин сарфланган инвестицияни оқлайди, янги Google ёки кейинги SpaceXни қуради деб ишонишади.

### «Отам ташлаб кетгани менга фақат мотивация берган»

Фарангиз ютуқлари ортида фақат онаси турганини айтади. Отаси қиз фарзанд туғилишини хоҳламагани учун Фарангиз ҳали дунёга келмасиданоқ улардан воз кечган.

«Оилада икки қизмиз. Опамдан кейин отам ва онам яна фарзанд кутишаётган бўлган, яъни мени. Отам доимо ўғил фарзанд хоҳлагани учун менинг ҳам қиз бўлишимни эшитгач, онам билан ажрашишга қарор қилган. Шундан кейин умуман бизга на моддий, на маънавий ёрдам кўрсатган. Отамни кўрмаганман ҳам», – дейди у.

### «Ўрганишни ўргатиш керак»

Фарангиз, шунингдек, ўзбек таълим тизимида учрамайдиган, лекин ўқувчи учун жуда муҳим бир жиҳатни санади. У мактабларда ўқувчига билимни қандай ўрганишни ўргатишмаслигини айтди. Яъни билимни мустақил тарзда қандай ўрганиш мумкинлиги ҳақида гапирилмайди.

«Ўқувчига самарали шаклда билимни ўрганиш тушунтирилса, у кимёми, биологиями, математиками ҳаммасини илиб олади. Ўқувчи ўзининг ўқиш даражасини таҳлил қилиб, ўзини тушуна олади», – дейди у.

Зухра АБДУҲАЛИМОВА  
суҳбатлашди.